# ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛСИН

(Боши 1-бетда).

1992 йилда гўшт етиштириш 16 фоиз, сут етиштириш 8 фоиз ва тухум етиштириш учдан бир баравар камайиб кетди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамон камайиб бормоқда. Шу йилнинг январь, февраль ойларида 1992 йилнинг шу даврига нисбатан гўшт етиштириш 13 фоиз, тухум етиштириш 29 фоиз камайди. Андижон, Тошкент, Наманган, Қашқадарё вилоятларида гўшт етиштириш жуда қисқариб кетишига йўл қўйилган. Кўпгина вилоятларда тухум олиш кескин камайиб кетди. Буларнинг ҳаммаси бозорларда чорвачилик маҳсулотлари нархининг кўтарилишига олиб келди.

Чорвачиликда кескин аҳвол юзага келганлигининг сабаблари тўғрисида кўп гапириш мумкин. Уларнинг айримлари устида тўхталиб ўтаман.

Фермаларнинг ҳақиқий хўжайини йўқлиги, чорвадорларнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдор эмаслиги ана шу сабабларнинг энг асосийларидир.

Президентимиз, республика ҳукумати шуни ҳисобга олиб, тармоқда чуқур иқтисодий ислоҳот ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Колхоз ва совхозларнинг. туман ва вилоятларнинг раҳбарларига 1993—1994 йилларда молларни, биноларни ва асбоб-ускуналарни 10 йил ичида акцияларни сотиб олиш асосида ферма жамоалари мулкига айлантириш вазифа қилиб қўйилди.

Фермаларнинг эгаси бўлган жамоаларга қуйидаги имтиёзлар берилади: сотиб олинадиган фондлар учун дастлабки бадал 10 фоиз миқдорида белгиланган, улар етиштириладиган маҳсулотнинг ярмини шартнома нархларида сотадилар, уларга имтиёзли, қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар берилади, бундан ташқари озуқа билан кафолатли таъминлаш назарда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, хўжалик раҳбарларининг коллектив фермаларни озуқа билан таъминлашдаги масъулияти ошади. Ҳар йили ферма жамоалари билан келишилган нархларда белгиланган миқдорда озуқа сотиш бўйича шартнома тузилади. Шартномалар сўзсиз бажарилиши лозим.

Бизнингча, бу чора-тадбирлар тармоқнинг зарар кўриб ишлашини бартараф этиш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш имконини беради. Бу фикрни кўпчилик мутахассислар ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Ҳамма жойда ушбу қарорни чуқур ўрганиб чиқишни, ҳужжатда тилга олинган масалаларни батафсил тушунтиришни ташкил этишни Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига топширамиз.

Пода таркибини аниқ белгилаб олиш, кам маҳсул берадиган молларни боқмаслик керак.

Сигир боқишни олиб кўрайлик. Айрим хўжаликларда қанча сигир бўлиши керак? Хўжаликда қанча сигир боқишни етиштириладиган озуқанинг ҳажмига қараб белгилаш мумкин. Бундан кейин сигирларнинг камайишига, маҳсулдорликнинг пасайиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди.

Баъзи мисолларни келтираман. 1992 йилда ҳар бир сигирдан ўртача сут соғиб олиш Қорақалпоғистон Республикасида 1991 йилдагига нисбатан 172 килограмм камайди ёки ўртача 1669 килограмм сут олинган. Андижон вилоятида ҳар бир сигирдан 193 килограмм сут кам соғиб олинган ва борйўғи 2321 килограммни ташкил этган. Самарқанд вилоятида 274 килограмм камайиб, 2205 килограммни, Тошкент вилоятида — 391 килограмм камайиб, 2547 килограммни, Сурхондарё вилоятида — 228 килограмм камайиб, 2047 килограммни ташкил этди. 1992 йил якунлари бўйича фермаларнинг учдан бир қисмида ҳар бир сигирдан 2000 килограммдан сут кам соғиб олинган. Агар ҳар сигирдан олинадиган сут 2500 килограммдан кам бўлса, бу зарар кўриб ишлаш эканлиги исботланган. Ҳамма негадир маҳсулдорликнинг пастлигига озуқа билан ёмон таъминланиш сабаб бўлмоқда, деб ўйлайди, бироқ сигирларнинг қисир қолиши ҳақида ҳеч ким гапирмайди.

1992 йилда кўпчилик вилоятлар ҳар юз бош сигирдан 65—75 тадан бузоқ олган. Бозор муносабатлари шаклланаётган бир шароитда бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди.

Сут-товар фермаларидаги моллар орасида соғин сигирларнинг салмоғи 35—40 фоизни, ихтисослаштирилган сут комплексларида ва наслчилик хўжаликларида эса 40—45 фоизни ташкил этиши керак.

Фермаларимизда сут маҳсулдорлигини оширишнинг генетик имкониятлари юқори, яъни йилига 3000 килограммни ташкил этади. Кўплаб колхоз ва совхозларда сигирлардан мана шунча сут соғиб олинмоқда.

Озуқа учун ажратилаётган ерлар қандай самара бераётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Озуқа етиштириш учун ажратилган суғориладиган ерлардан жуда ёмон фойдаланилаётган бир пайтда озуқа билан таъминланганлик, озуқа экинлари майдонларини янада кенгайтириш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятларида ҳар гектар суғориладиган ерда атиги 2,6—4 тонна озуқа етиштирилмоқда.

Андижон ва Наманган вилоятларида аҳвол бирмунча дуруст: ҳар гектар ердан 6,7—7,8 тоннадан озуқа олиняпти. Бунинг ҳеч қандай сири йўқ. Юқори сифатли уруғликни қисқа ва энг қулай муддатларда экиш, озуқа етиштириш ва уни йиғиштириб олиш технологиясига риоя қилиш керак, холос. Ҳар бир гектардан ўртача 8 тонна озуқа олиш учун бизда барча зарур шароитлар мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси озуқа экинлари уруғчилигини тубдан қайта кўриб чиқиши, хўжаликларга озуқа экинлари структураси, уни етиштириш технологиясига оид тавсиялар бериши керак. Шунингдек, бошқа масалаларни, айниқса чорвадорларга чорва молларига сифатли ва хилма-хил ем-хашак етказиб бериш учун озуқа етиштирувчиларнинг масъулиятини ошириш масалаларини ўйлаб кўриш керак.

Озуқадан тежамли фойдаланиш кўплаб хўжаликларда жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Бу ишда хўжасизликка йўл қўйиляпти, омухта озуқалар тайёрланмаяпти, мавжуд озуқа цехлари кўп ҳолларда ишламайди. Хўжаликлар тасарруфида қолдирилган дондан оқилона фойдаланилмаяпти.

Бугун мен яна бир марта чорвадорлар эътиборига шуни етказмоқчиманки, ресурслар жуда чекланганлиги сабабли омухта ем марказлаштирилган тартибда асосан саноат комплекслари ва паррандачилик фабрикаларига берилади. Колхоз ва совхозлар бундай шароитда концентрат билан таъминлаш масаласини мустақил ҳал этишлари, ўзлари етиштираётган ембоп дондан тўғри ва оқилона фойдаланишлари лозим бўлади.

Энди наслчилик ишларини олиб кўрайлик. Республикамизда наслчилик хўжаликларининг талабга жавоб берадиган тузилмаси мавжуд. Кўп хўжаликлар сунъий урчитишни йўлга қўйиб, моллар зотини қисқа муддатларда яхшиламоқдалар.

Шу билан бирга бу илғор усулга ҳамма жойда етарли эътибор берилаётир, деб бўлмайди. Баъзи хўжаликларда маҳсулдор ғунажин ва сигир етиштириш йўлга қўйилмаган. Ҳозир 600 дан ортиқ фермадаги сигирларнинг маҳсулдорлиги 2 минг килограммдан камлиги ана шунинг оқибатидир. Кўп хўжаликлар шу кунгача сигирлар подасини четдан келтирилган наслли ғунажинлар ҳисобига тўлдириб келди. Эндиликда, четдан мол олиб келиш кескин камаяди, чунки у бизга жуда қимматга тушмоқда. Шунинг учун ҳар бир хўжалик, ферма бундан буён сигир етиштиришни ўзи йўлга қўймоғи керак. Ҳар 100 сигир ҳисобига 25—30 тадан маҳсулдор ғунажин бўлиши зарур. Эндиги вазифа яқин 2—3 йилда сигирларнинг маҳсулдорлигини 2800—3000 килограммга етказишдан иборат.

Бу йил чорвадорлар учун об-ҳаво ниҳоятда қулай келмоқда. Яйловларда, қирадирларда ўтлар яхши ривожланиб, хашак мўл бўлиши кутилмоқда. Ҳар бир чорвадор қарамоғидаги молларни кўк майса билан иложи борича кўпроқ тўйдириш йўлларини ўйлаши керак. Шу билан бир вақтда табиат инъомини нобуд қилмай, келгуси қишловга етарли миқдорда хашак жамғариш учун зарур чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

Яна бир масала. Ҳозир қўйчиликда қизғин палла — қўзилатиш мавсуми давом этмоқда. Ишни шундай ташкил этиш керакки, ҳар бир совлиқ ҳисобига биттадан қўзи қолиши шарт. Бунда тўқлилар сурувни кўпайтиришга, қўчқорлар эса гўшт учун боқувга қолдирилиши керак.

Ҳурматли ўртоқлар! Чорвачиликда энг масъулиятли давр — қишловнинг якунловчи палласида турибмиз. Ҳозир фермаларда қолган озуқалардан янада унумлироқ фойдаланиш чораларини кўрмоқ зарур. Қўзилатишни уюшқоқлик билан ўтказиб, бу йил ўстиришга кўпроқ қўзи қолдирайлик.

Пиллакорларимиз қурт боқиш мавсумига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриб, кўпроқ сифатли пилла етиштиришлари лозим.

Азиз чорвадорлар! Сизлар серташвиш, сермеҳнат ва шарафли соҳада кечаю-кундуз ишлаб, халқимизнинг бойлигига бойлик, дастурхонига барака қўшмоқдасиз.

Фидокорона, яратувчилик меҳнатингиз учун Президентимиз Ислом Каримов номидан, республика ҳукумати номидан ҳаммаларингизга чуқур миннатдорлик билдириб, мустаҳкам саломатлик, оилаларингизга тинч-тотувлик ва бахт-саодат тилайман. Ҳаммангизни Наврўз байрами ва Рамазон ҳайити билан табриклайман. 1993 йил ҳаммамиз учун катта ютуқлар йили бўлсин.



**Оқолтин районидаги «Андижон» совхози аҳолиси Бегмат ака Жайноқовни тадбиркор чорвадор сифатида яхши танийди. Унинг фермер хўжалигида 80 бош қорамол, 30 бош қўй, 4 бош от парваришланаяпти. Бу йил давлатга 70 тонна сут, 5 тонна гўшт сотишга шартнома тузилган.**

**— Ихтиёримизда 20 гектар бедазор, 5 гектар боғ бор, — дейди фермер. — Шу боис қишлов даврида ем-хашакдан танқислик сезмадик. Ҳозир боғдаги юмушлар билан банд бўлсакда, молларга қараш биринчи галдаги вазифамиздир.**

**СУРАТДА: Бегмат ака умр йўлдоши Мити Жайноқова ва невараси Шуҳрат билан.**

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

# КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Ҳар йили жумҳуриятимизда боғларни, узумзорларни кенгайтириш, шаҳар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш, тутзорлар барпо этиш борасида тадбирлар белгиланиб ишларнинг асосий қисми кўкламда ўтказилади. Дарвоқе, кўчат ва ниҳолларни дарахтлар барг ёзгунича қисқа муддатларда экиш жоиз. Бу йилги баҳор кўчат экишга айниқса қулайдир.

Ўтган йили терак экиш билан боғлиқ ажойиб ташаббус ўлкамизда кенг қулоч ёзди. Зеро, терак ажойиб қурилиш материалидир. Бу анъананинг тикланиши аҳолининг ёғоч тахтага эҳтиёжини тўлароқ қондиришга замин яратади. Охирги икки йил давомида режадаги 8 миллион ўрнига 30 миллион дона терак экилганлиги бунга далилдир.

Таъкидлаш керакки, кўчат экиш ойлиги ҳамма жойда фаоллик билан кечмайди. Жумладан, ўтган йили айрим хўжаликлар, жамоалар бу тадбирни хўжа кўрсинга ўтказганликлари сир эмас. Баъзи жойларда экилган ниҳоллар қаровсиз қолиб, кўзланган натижага эришилмаганлиги ҳоллари ҳам мавжуд. Кўчат экиш ойлигини ўтказиш республика штаби мажлисида ушбу камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Уларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди. Дов-дарахтлар халқ хўжалиги, атроф-муҳитини соғломлаштириш учун муҳимлиги ҳисобга олиниб бу ишни янада кенг қулоч ёйдиришга қарор қилинди. Шу мақсадда ўтган йили кузда ва бу йил баҳорда республикамиз ҳудудида жами 68,6 миллион дона мевали, манзарали дарахтлар, шунингдек узум кўчатларини экиш белгиланди.

Экиладиган кўчатлар Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва вино ишлаб чиқариш илмий бирлашмасида, жумҳурият ўрмон қўмитасида, Тошкент шаҳар манзарали боғдорчилик совхозида ва бошқа ташкилотларда етарли даражада ғамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг берган маълумотларига қараганда, 1993 йил 1 мартгача жумҳуриятимизда 8 миллион 233 минг дона кўчат экилганди. Бу белгиланган режанинг 12 фоизини ташкил қилади, холос. Кўчат экишди Тошкет шаҳри пешқадам бўлиб, режа 117 фоизга уддаланди. Сурхондарё, Бухоро вилоятлари ҳам режанинг 50 фоизидан кўпроқ кўчат экишди.

Хоразм, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида бу иш ҳали кенг қулоч ёйдирилгани йўқ. Тўғри, шароит ҳамма жойда бир хил эмас. Лекин, режани 51,1 фоизга бажарган Бухоро вилоятида об-ҳаво кўчат экиш режасини 1,4 фоизга уддалаган Қашқадарё вилоятидан яхшироқ деб бўладими? Кўриниб турибдики, гап шароитда, об-ҳавода эмас, балки топширилган ишга масъулият қай даражада эканлигидадир.

Дарвоқе, корхона ва ташкилотлар борасида бу янада яққолроқ кўзга ташланади. Чунончи, «Ўздавнефтмаҳсулот» ҳиссадорлик бирлашмаси кўчат экиш режасини 58,8 фоизга бажарган ҳолда Сув хўжалиги вазирлиги 5,7 фоизга, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси 1,8 фоизга уддалаган. «Ўзбекгеология», Давлат спорт қўмитаси, «Балиқ» концерни кўчат экишга кам эътибор бермоқда. Холбуки бу ишни қисқа муддатларда ўтказилмаса, унинг натижаси кўнгилдагидек бўлмайди. Янги кўчатлар экишдан ташқари эски боғ ва токзорларни таъмирлаш ишларини ҳам бошлаш жоиз.

Вақт кутиб турмайди. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб юртимизни боғроғларга айлантиришдек эзгу ишга ҳиссамизни қўшишимиз керак.

**Л. КУЛЬБАШНАЯ,**
**Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш Республика жамияти кенгаши ҳайъати котиби.**

# СЎЗ-КЕНГАШ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

**Нурилла НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Бухоро қоракўл заводи директори**

Илгари Ўзбекистонда етиштирилган қоракўл терилар собиқ Иттифоқнинг бошқа шаҳарларида қайта ишланарди. Натижада меҳнатини биз қилиб, мўмай даромадни улар олишарди. Эндиликда бебаҳо бойлик ўзимизда қайта ишланаяпти. Ўтган йили корхонамизда тайёрланган маҳсулот ҳажми 817 миллион сўмдан ошди. 80 миллион сўм фойда олинди. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз. Тушликка кетадиган харажатнинг асосий қисми корхона ҳисобидан қопланаяпти. Маҳсулот айрибошлаш йўли билан чет эллардан тикув машиналари, ип, игналар келтирилди. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга замин яратди. 1994 йилга бориб 400 миллион сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқаришни режалаштирдик. Мақсадимиз четга фақат тайёр маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиш.

Бугунги кенгаш бизга кўп нарса берди. Ҳамкасблар билан фикр алмашдик, тажрибаларимизни ўртоқлашдик. Муаммолар ўртага ташланди. Масалан, терини бўяйдиган кимёвий бўёқ йўқ. Уни тополмай жуда қийналаяпмиз. Кейин Ўзбекистонда тайёр кийимлар савдоси ёз ойларида анча камаяди. Уларни четга чиқаришни йўлга қўйсак айни муддао бўларди. Мол айрибошлаш эвазига юртимизга зарур буюмлар келтирилар-ди. Ўйлаймизки шу каби масалалар ижобий ҳал этилади.

**Анорхон ЭРГАШЕВА,**
**Избоскан районидаги «Пойтуғ» давлат хўжалиги сигирсоғари.**

**Чорвадорлар анжуманида кўп янгиликлардан хабардор бўлдим. Олим ва етук мутахассислар сўзларини эшитдим. Улар меҳнат фаолиятимда асқотади. Совхозимизда 700 бошдан зиёд сигир бор. 200 бошдан ортиқ говмишни «Тандем»да соғиш мен ва 5 нафар ҳамкасбим зиммасида. Айни кунларда ҳар бош соғин сигирдан 12—13 килограммдан маҳсулот олаяпмиз.**

**Хўжалигимизда тармоқнинг бошқа соҳаларига ҳам эътибор катта. 1992 йили давлатга гўшт, сут, тухум топшириш режалари бажарилди. Жумладан, жорий йилнинг дастлабки икки ойи топшириқлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Озуқа цехи ишлаб турибди. Йигирма йилдирки, шарафли касбимни эъзозлаб келаяпман. Кам бўлмадим. Ўзим шогирд эдим. Энди Минаввархон, Ширмонхон сингари меҳнатсевар ёшларга устозман. Улар келажакда моҳир сигирсоғар бўлиб етишишларига ишончим комил.**

**Ҳаммаси моддий манфаатдорликка боғлиқ. Совхозимиз раҳбарлари қўшимча имкониятларни ишга солиб биз чорвадорларнинг меҳнатимизга яраша ҳақ олишимизга ҳаракат қилишаяпти. Ўтган йилнинг охирларида ўртача 6 минг сўмдан ойлик олган эдик. Февралдан 25 фоизга кўпайди. Худо хоҳласа бундан буёғи янада яхши бўлади.**

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: СССР!

(Боши 1-бетда).

пора олган эмиш. Россия халқ депутатларининг кейинги икки съездидан кейин эса, рўзнома янада «дадиллашди». У энди «нарсаларни ўз номи билан аташ»да устаси фаранг бўлиб кетган ҳар қандай империячини ҳам ортда қолдириб кета бошлади. Бу ҳолни 1991 йилги референдумнинг икки йиллиги муносабати билан 17 март куни эълон қилинган «Сиёсатдонлар яна халқ билан ўйнашмоқда» мақоласида ҳам кўриш мумкин. Унда Б. Ельцин, Л. Кравчук ва В. Шушкевич СССР парчаланиб кетишининг бош ижрочилари деб айбланади. «Жиноятчи»лар орасида, шунингдек, Г. Бурбулис, М. Горбачев ҳам бор. Бундай «Маҳкумлар» рўйхатини истаганча давом эттириш мумкин.

Империя парчаланиб кетган бўлса-да, унинг боя зикр этилган меросхўрлари ҳар хил ҳамдўстлик, иқтисодий интеграция ниқоблари остида ғаразли ниятларини амалга оширишга интилмоқда. Афсуски, бугунги иқтисодий қийинчиликлар, халқ турмуш шароитининг ёмонлашуви ўша мақсадларнинг «униб-ўсиши» учун замин ҳозирлаётир. Бундан фойдаланган «Правда»чи В. Трушков СССРни қайта тиклашнинг қуйидаги усулларини таклиф қилади, яъни, ёнилғи-энергетика мажмуи, ягона энергия тизими, темир йўл, денгиз ва авиатранспортини давлат ҳимоясига олиш, корхоналар ўртасидаги мавжуд алоқаларни сақлаб қолиш, «буюк ватанни қайта тиклаш» учун курашадиган ватанпарварлик ҳаракатлари ва партиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ниҳоят умумий қадриятларнинг барбод бўлишига йўл қўймаслик лозим эмиш. Кўз ўнгимизда кечаётган сўнгги воқеалар СССРни қайта тиклашни истаётган кучлар тобора бош кўтараётганини кўрсатмоқда. Хусусан, МДҲга аъзо давлатлар парламентлараро ассамблеясининг асосий мақсади ҳам ана шундан иборат, деса бўлади. Ўтган йили мазкур ассамблеянинг иккинчи машваратида империячилик ниқобини Р. Хасбулатовнинг ўзи йиртиб ташлай қолди. СССР давр тақозоси билан эмас, сиёсатчиларнинг қўпол хатолари ва боши бузуқ сиёсий кучларнинг ҳаракатлари оқибатида парчаланиб кетди, деб айтди. «Правда» ҳам, албатта, қараб тургани йўқ, 29 декабрдаёқ «Руслан Хасбулатов: СССРнинг парчаланиб кетиши муқаррар эмас эди» сарлавҳали мақола эълон қилди.

Ассамблея мажлисининг кун тартибидаги масалалар рўйхатидан ҳам мустақил давлатларнинг ички ишларига қўпол равишда аралашилганини кўриш мумкин. Ўша кунлари Москва телевидениеси Санкт-Петербург аэропортида кўтарилган Ўзбекистон байроғини қайта-қайта кўрсатиб, Ўзбекистон вакиллари нима учун келмагани маълум эмас, деб етти иқлимга уззукун жар солди. Ҳолбуки, Ўзбекистон раҳбариятининг собиқ империяни тиклаш йўлидаги уринишларга салбий муносабати жаҳон жамоатчилигига аллақачон маълум эди.

Р. Хасбулатовнинг ўша баёнотидан кейинги ҳатти-ҳаракатлари буюк миллатчиларга қўл келаётганини ҳамма кўриб-билиб турибди. Шунинг учун ҳам еттинчи съезд унинг пахтабанд истеъфосини қабул қилмади. Чунки шум ниятларини ниқоблаш учун «байналмилалчи» шовинистларга Хасбулатовдай «майда» миллат вакиллари керак. Акс ҳолда, уларнинг «халқлар дўстлиги» тўғрисидаги чўпчакларига ҳеч ким ишонмай қолади-да!

Улуғ давлатчилар нега айнан бугун ўша «фаровон турмуш»ни қўмсаб қолганининг ҳам сабаблари бор. Илгари, шўро замонида М. Горбачев Иттифоқ шартномасидан бош тортган Болтиқбўйи республикалари билан СССР ўртасида икки томонлама шартнома имзолаш ғоясини ўйлаб топган эди. Россиянинг федератив шартномасини Татаристон ва Чеченистон имзоламагач, яна шундай йўл тутилмоқда. Боз устига, Россия таркибидаги мухтор республикалар дастлаб эгамен республика деб эълон қилинди, кейинчалик эса бирин-кетин президентлар сайланди. Парчаланиш ҳолатига келиб қолган Россиянинг яхлитлигини сақлаб қолиш учун орқага қайтиш, империяни тиклашга зўр берила бошлади. Бу ниятни Россия халқлари сайлаб қўйган Президент Борис Ельцин билан кўпам ҳисоблашиб ўтирмайдиган вице-президент А. Руцкой ҳам, президентга эмас, фақат конституцияга бўйсунамиз, дейдиган мудофаа ва ички ишлар вазирлари ҳам яшираётгани йўқ.

А. Руцкой «Литературная газета»нинг ўтган йил 2 декабрь сонидаги суҳбатида Татаристон ва Чеченистонда миллий гвардия тузилишини кескин қоралайди. Бироқ казак отрядларининг қайта тикланишини қонуний деб билади. Ўзининг империяпарастлигини ниқобламоқчи бўлиб, казакларни совет қонунлари тақиқлаган, энди бу қонунлар ўз кучини йўқотди, дейди-ю, «Московские новости» ҳафталигидаги (1993 йил, 2-сон) интервьюсида, Дудаев ва Шаймиев каби «миллатчи мансабпараст ва айирмакаш» (сепаратчи)ларни 10—15 йилдан қамоққа тиқиб қўйиш керак, деб дағдаға қилади. Россия таркибидаги миллий республикалар халқи танлаб олган йўл билан ҳисоблашишни истамаган ҳолда, ғайриқонуний ҳарбий тузилмалар — Молдовадаги қонли тўқнашувларда қатнашиб, русийзабон аҳоли «ҳуқуқлари»ни ҳимоя қилган казак отрядларини қўллаб-қувватлайди.

Сиёсатшуносларнинг фикрича, Россияда бундай вазият вужудга келишида мамлакат Президенти Б. Ельциннинг ҳам айби бор. Хусусан, у иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳам ГКЧПЧИларга қарши курашгандай йўл тутди. Ҳолбуки, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг сиёсий курашдан ҳамда «албасти овлаш»дан мутлақо фарқ қиладиган хос қонунлари бор. Президент халқ ишончини қозонган кезлар бу ишга дадил киришиши ҳамда ислоҳотларга халақит берган муҳолифларидан қутулиши мумкин эди. 1992 йил ёзидан декабрь ойигача катта имкониятга эга бўлган Президентнинг ваколатлари эндиликда халқ депутатлари томонидан қайтариб олинди. Россия халқ депутатларининг еттинчи ва саккизинчи съезди қарорларидан норози бўлган Президент 20 март куни «Останкино» телевидениеси орқали халққа мурожаат қилиб, саккизинчи съездни собиқ партноменклатуранинг қасос олдидан катта тайёргарлиги, деб баҳолади.

Улуғдавлатчилар бошқа собиқ Совет республикаларида ҳам СССРни қайтадан тиклаш учун кураш олиб боряпти.

Улар Россия Қуролли Кучларининг минтақалардаги уруш оловини ўчириш, мустақил республикаларнинг хавфсизлиги кафили сифатида ушлаб турилишдан ҳам ўз мақсадлари йўлида фойдаланмоқчи бўлишмоқда.

Россиялик ёлланма аскарлар мустақил грузия тупроғида унга қарши жанг қилмоқда. Гап бу ерда урушаётган томонлардан қай бири ҳақлигида эмас, аксинча, ўша «волонтёр»ларнинг империя кенгликларини қўмсаётгани ҳақида кетмоқда. «Правда» эса собиқ империяни тиклашнинг бу муҳим «омили» ҳақида лом-мим демайди. Яна бир томони — собиқ СССРнинг Россиядан бошқа республикаларида ҳам империянинг «фидойи»лари топилади. Афсуски, бундай кишилар давлат раҳбарлари орасида ҳам бор...

Империяпарастларнинг куракда турмайдиган яна бир баҳонаси бор: нега энди Европа мамлакатларида ҳамжамият тузилиб, иқтисодиётни бирлаштириш, ягона пул жорий этиш, чегараларни очиш, бир давлатдан иккинчисига эркин ўтишга ҳозирлик кўрилаётган бир пайтда биз тарқаб кетишимиз керак? Бир қарашда бугунги қийинчиликларни бир ҳамла билан ҳал этишга қаратилган саволга ўхшайди бу. Бироқ шунча йиллик «улуғ оға» паноҳи остидаги қуллик бундан кейин ҳам давом этишидан ўша улуғдавлатчилик дардига мубтало бўлган кучлардан бошқа яна ким ҳам манфаатдор бўлиши мумкин? Сирасини айтганда, Европа ҳамжамиятида, ҳатто, энг кичик давлатнинг ҳам Франция ёки Англия каби улуғ мамлакатларга қарам бўлиб қолишини тасаввур қилиш қийин. Бинобарин, империяни Европа ҳамжамияти билан қиёслашга ҳеч қандай асос йўқ.

Шундай қилиб, империя ғояси яна бош кўтара бошлади. Империячилар халқларга фаровонлик ваъда қилиш билан ўз мақсадларига эришмоқчи бўляпти. Улар оғиз кўпиртираётган ўша етмиш йиллик фаровонлик ер ости, ер усти ва маданий бойликларимизни, қолаверса, келажак, яъни бугунги кунларимизни талон-торож қилиш эвазига яратилганини ким билмайди дейсиз? Ҳолбуки, яқин келажакда миллий мустақиллигимиз, ўз юртимизга ўзимиз хўжайинлик қилишимиз бундан ўн чандон ортиқ фаровонлик келтириши шубҳасиз.

Эндиликда Ўзбекистон дунёнинг деярли барча мамлакатлари томонидан тан олинган, давлатчиликнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш конституцияга эга бўлган эгамен давлатдир. Бу машаққатли йўлларда «босмачи» деб ҳақоратланган боболаримизнинг қони тўкилди. Миллатимизнинг асл фарзандлари умри Сибирь қамоқларида, ўрмонларида, конларида хазон бўлди.

Энди тарих ортга қайтмайди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бот-бот такрорлаётганидай, ўтмишга олиб борадиган кўприклар ёниб кетди. Энди ҳамма гап ана шу кўприкларни қайта тиклашларига йўл қўймасликда.

**Фахриддин НИЗОМ.**
**(ЎзА).**

## ОЛИМЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

● Жалолқудуқ туманининг Турсунбой Тошматов номидаги жамоа хўжалигида республика ўсимликшунослик илмий текшириш институтининг таянч пункти очилди. Олимлар билан деҳқонлар ҳамкорлиги ўтган йили бошланган эди. Фан ютуқларини ҳаётга тезроқ татбиқ этиш мақсадида институт олимлари мазкур хўжаликда 74 гектар ерга янги навли буғдой, мевали дарахт кўчатлари экди.

Шу кунларда эса 50 гектар ерга Голландия картошкаси, 200 турдаги тарвуз ва 150 хил қовун уруғлари экишга тайёргарлик кўрилмоқда. Мақсад — серҳосил хориж картошкаларини вилоят шароитида етиштириш, полиз маҳсулотларининг ширага чидамли навларини яратиш, водий хўжаликларини сархил мева кўчатлари билан таъминлашдан иборат.

Ўтган кузда олимлар тавсияси билан хўжалик иссиқхонасига хориждан келтирилган икки ярим минг туп «стевия» кўчатлари экилган эди. Бу доривор ўсимлик синовдан яхши ўтди. Яна бир ойдан кейин уни очиқ ҳавога кўчириш кўзда тутилмоқда. Сўнгра ўриб, қиёми олинади ва харидорларга сотилади.

## ДЕҲҚОНЛАРГА ЁРДАМ

**● Қишлоқ хўжалик машиналарининг қимматлашуви, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи-мойлаш ашёларининг танқислиги қишлоқ хўжалиги ишларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жиззахдаги электромеханик заводи ишбилармонлари ана шундай шароитда деҳқонларга қулайлик яратишга аҳд қилди. Завод бу йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқара бошлади. Келгусида на фақат вилоят хўжаликлари, балки жумҳурият, Марказий Осиё давлатларига ҳам керакли эҳтиёт қисмлар етказиб берилади.**

# ГАЗ ВА СУВ ТЕКИН

**Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви кейинги йилларда бир қатор хайрли ишларга қўл урди. Шу йил 1 январдан бошлаб бу ерда хўжалик аъзолари учун Тошкент сув тармоғидан келаётган ичимлик сув ҳам, табиий ва суюлтирилган газ ҳам бепул бўладиган бўлди. Табиий газ учун жамоа хўжалиги ҳар бир колхозчи учун йилига бир минг сўмдан, суюлтирилган газ учун эса ойига 100 сўмдан, жами 1200 сўм маблағ сарфлайди.**

**Шунингдек хўжаликда кам таъминланган фахрийларга хўжалик ички нафақаси миқдори ҳам 300 сўмга етказилди. Агар нафақахўр республикада белгиланган энг кам миқдор — 2500 сўмдан оз нафақа оладиган бўлса, ички нафақа ҳисобидан қўшиб, тўлдириб берилади.**

Т. ЭРХЎЖАЕВ.

